

ЎТМИШГА НАЗАР
2 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 2

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE - 2



| | |
|---|-----|
| 14. Носирбек Бувақов БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ВА ХИТОЙ БИЛАН САВДОДА СУҒДИЙЛАРНИНГ ЎРНИ ҲАҚИДА..... | 94 |
| 15. Елена Гордеева ТОШ ТЎПЛАШ ПРИСМИ ЎЗИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЖАМИЯТИНИНГ ЖАҲОН БОШҚАРМАСИ..... | 100 |
| 16. Алексей Грицина, Комил Раҳимов, Омон Мамиров КЎҲНА ХОВОСНИНГ ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР..... | 106 |
| 17. Шоира Давлатова ШАРҚ МАНБАЛАРИДА КЕЧИРИМЛИЛИК ТАМОЙИЛИ..... | 113 |
| 18. Феруза Давронова ХАЛҚАРО ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ ВА ЭРКИНЛИГИ МЕХАНИЗМЛАРИ..... | 119 |
| 19. Дилфуза Джуракулова ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАДИМГИ ТОШ ДАВРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР..... | 127 |
| 20. Латофат Жабборова ТЕАТР БИНОЛАРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ ДИЗАЙНИНИНГ ЗАМОНАВИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ (ХОРИЖИЙ ТЕАТР БИНОЛАРИ ТАҲЛИЛИ АСОСИДА)..... | 134 |
| 21. Иқбол Жаббарова КАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ХОРИЖИЙ ОЛИМЛАР ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ..... | 139 |
| 22. Зухриддин Жунаев БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ АҲВОЛ ВА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ..... | 147 |
| 23. Фарҳоджон Исматуллаев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ДОИР (ИТАЛИЯ МИСОЛИДА)..... | 157 |
| 24. Феруз Исламов ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МЕЪМОРИЙ БЕЗАК САНЪАТИ РИВОЖИ..... | 164 |



Ikbol Kh. Jabbarova,
Karshi State University
Doctorate of the Department of the History of Uzbekistan
Iqbol_jabbarova@mail.ru

THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOREIGN SCIENTISTS IN STUDYING THE HISTORY OF IRRIGATED AGRICULTURE IN THE KASHKADARYA OASIS

ABSTRACT

The article deals with the analyses of the role and importance of the investigation of the history of the irrigated agriculture in the Kashkadarya oasis in the research works of such foreign scientists such as V.V.Bartold, M.Ye. Masson, S.Kabanov, S.Lunin, V.V.Radlov, O.D.Chexovich, B.V.Andrianov, N.G.Mallitskiy, G.N.Vinogradov, A. Voyeykov, O.P.Patrushev, V. A. Polozov, B.A.Polyakov, M.V.Sazonova, Ye. Ye. Skorniyakov, V.A.Shuls, A.B.Vildanova

Index Terms: Kashkadarya oasis, history of irrigation, foreign scientists, investigation, study.

1. Долзарблиги:

Ўзбек халқи мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан шиддат билан бораётган янги Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш учун ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида баракали меҳнат қилиб, катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Ўзбекистон таркибида бой тарихга эга Қашқадарё вилояти жойлашган. Бугунги Қашқадарё вилояти қадимий маҳсулдор заминни суғорма деҳқончилик ўлкаси Сўғд худудининг икки сув манбаи - Зарафшон ва Қашқадарё хавзасининг қоқ марказида жойлашган. Бу вилоят Ўрта Осиё, қолаверса, кўхна Туркистон ва бугунги янги Ўзбекистоннинг тарихий тақдирида муҳим рол ўйнайди.

Эрамиздан олдинги биринчи минг йилликнинг бошларида бу худудда қадимий деҳқонларнинг илк манзилгоҳлари бўлган ҳамда суғорма деҳқончилик маданияти ривож топганлигидан хорижий қадимшунос (археолог) ва шарқшунос ҳамда тарихчиларнинг кўплаб тадқиқотларида исботланган.

Қашқадарё воҳасининг суғорилиш тарихи Ўзбекистон тарихининг ажралмас бир қисмидир. Бу соҳа тарихини ўрганган хорижий олимларнинг тадқиқотларини таҳлил этиш ва уларни ўрганиш, воҳанинг суғорилиш тарихи мавзусини холисона ўрганишда катта аҳамият касб этади. Хорижий шарқшунос, археолог, тарихчи олимларнинг асарлари ва мақолаларидаги қимматли маълумотлар воҳа суғорилиш тарихини ёритишда муҳим манба ҳисобланади. Юқорида баён этилган фикрлар мавзунинг долзарблигидан далолатдир.

2. Методлар ва ўрганилиш даражаси:

Мақолада Ўзбекистон тарихи фанида умумэтироф этилган усуллар: тарихийлик, қиёсий-тарихий, мантикий, қиёсий таҳлил, хронологик, холислик, шаффофлик, географик каби методлар билан иш тутишга ҳаракат қилинди. Қашқадарё воҳасининг суғорилиш тарихини тадқиқ этган хорижий олимлар: археологлар, тарихчилар, шарқшунослар, ирригатор ва мелиораторлар, тилшунос ва этнографларнинг тадқиқотлари ўрганиб чиқилди ва бу тадқиқотларнинг воҳа суғорилиш тарихини ёритишдаги ўрни ва аҳамияти кўрсатилди. Собиқ Шўро даврида яратилган археологик ва тарихий, суғорма деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихига бағишланган хорижий олимларнинг асарларига, соҳадаги муаммо ва нуқсонларга муносабатлар билдирилди. Шу сабабли мақоланинг мавзу ва мазмунига бевосита яқин бўлган муаммолар таҳлиliga бағишланган кўпгина тадқиқотлар яратилган, воҳа суғорилиш тарихини ўрганган хорижий олимлар: В. В. Бартольд (1965), М. Е. Массон (1988), С. Кабанов (1988), С. Лунина (1988), В. В. Радлов (1989), О.Д. Чехович (1965), Кармешова (1976), Б.В. Андрианов (1969) ва бошқаларнинг қатор асарлари ва мақолаларида ўз аксини топган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” [2].

Юртбошимизнинг юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, хорижий олимлар яратган тадқиқотларвоҳанинг суғорилиш тарихини ўрганишда тарихнинг турли босқичларида халқларнинг сув ва суғориш учунолиб борган кураш тарихини, қолаверса, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзинива ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши тарихи муаммоларини илмий таҳлил қилишдағоят муҳимдир.

Қашқадарё воҳаси суғорилиш тарихига оидхорижий олимларнингтадқиқотлари қадимий ёзма манбалар, вақф ва давлат архивлари ҳужжатлари, айниқса, соҳа археологик қазишмалардан топилган далилий ашёлар, тарихий, этнографик, лингвистикадабиётлар, дала материалларига асосланиб ёритилганлиги ва яратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бу соҳа тарихини ўрганишда хорижий археолог, шарқшунос, тарихчи, этнограф, географ олимларнинг этнографик, археологик, тарихий, географик тадқиқотларидаги воҳанинг суғорилиш тарихига оид маълумотларини таҳлил этиш, уларнинг бу соҳадаги хизматларини ҳолисона ўрганиш, ўзбек халқи давлатчилик тарихи, қолаверса, воҳанинг суғорилиш тарихини ҳаққоний ва тўғри баҳолашда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Хорижий олимлар томонидан олиб борилган кенг қўламли тарихий ва археологик-этнографик изланишлар асосида Ўрта Осиёдаги қадимий суғориш ва деҳқончилик тарихига доир фундаментал асарлар яратилди. Бундай ишларнинг дастлабкиси шарқшунос олим В.В.Бартольд томонидан бошлаб берилган бўлиб, у ўзининг “Туркистоннинг суғорилиш тарихи” номли китобида ўрта асрларга бориб тақалувчи ёзма манбаларни жамлаган ва умумлаштирган. Монография ер ишларини яхшилаш масалалари бўйича масъул маҳкамаларнинг илтимосига кўра ёзилган ва 1914 йилда “Қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик” номли журналда илк марта нашр этилган. “Туркистоннинг суғорилиш тарихи” китоби ханузгача Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги воҳалари, уларнинг тарихий-географик таҳлили ҳамда ўша давр сувчилиги ҳақидаги ёзма манбалар ва маълумотлар тўлиқ жамланган асар ҳисобланади.

Тарихчи А. Абдулҳамидовнинг таъкидлашича, “В.В.Бартольд ўз олдиға қўйган асосий вазифа – бу Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги барча воҳалари хўжалик ҳаётини кенг қўламда ўрганишдан иборат бўлган. Бу вазифанинг тагида ётган ғояға кўра замонавий амалий халқ хўжалиги мақсадларида “қадимий усулда суғориладиган ерлар”ни ўзлаштиришда ишлатилган эски сув иншоотларини ўрганишзарур бўлган. Муаллифнинг бу фикри “Туркистонда суғориш ишлари тарихи” асарининг кириш қисмида қанчалик пухта баён этилган бўлса, “Туркистоннинг келажаги ва унинг ўтмиши излари” номли унча катта бўлмаган мақоласида ҳам (1926) ёритилган, бу мақолада, жумладан, В.В.Бартольд ўша пайтда урф бўлган фожеали “Марказий Осиёнинг қурилиши” номи билан машҳур бўлган таълимотни танқид қилган. Бу танқид машҳур географ олимлар – А.И.Восейков ва Л.С.Берглар томонидан қўллаб-қувватланган [3].

Ўрта Осиёни чоризм қўшинларидан ҳимоя қилишда фаол қатнашган генерал Жўрабек академик В.В. Бартольд билан яқин дўст эди. Рус олими ўзбек саркардасининг қадимий китобларға бой шахсий кутубхонасидан унумли фойдаланган. Икки машҳур шахс суҳбатларидан бирида чоризм истилочиларини мўғул истилочиларига таққослаб, ҳар икки ҳолда ҳам маҳаллий амалдорлар ўз халқини қулликка солишда марказға ёрдам берганликларини айтишган. Аммо, академик В.В.Бартольд, шарқшунос В.Л. Вяткин каби олимлар мустамлакачи руҳдаги рассом Верещчагиндан фарқли ўларок, Ўрта Осиё халқларининг юксак маданиятиға чуқур ҳурмат билан қараб, минг йиллик маданий, иқтисодий ҳаётимизни ўрганишға ҳаётларини бағишлаган эдилар[4].

В.В. Бартольд ушбу асарида “араб, форс-тожик ва бошқа тиллардаги тарихий, жуғрофий манбаларни қиёслаб ҳозирги замон сув хўжалиги ва сув ҳуқуқи тўғрисида

тегишли истилоҳларни қайд қилиб китобча ёзиш менинг вазифамга кирмайди. Бу иш шу жойнинг ўзида ҳал қилиниши мумкин... Туркистоннинг турли жойларида қўлланиладиган араб ва форс-тожик, турк сўзларининг изоҳларини шу жойда текшириш лозим” [5],- деган эди. Бу асар тарихий йўналишда яратилган бўлса ҳам тилшунослар, шевашунослар учун муҳим материаллар беради. Китобда суғорлиш тарихига оид терминлар кўплаб учрайди: пайкал, руд, рудбар, рудхона, жўй, жўйбор, кориз, дулоб, наҳр, канат, доимий, арик, чиғир, арна, ёб ва б.

Октябрь тўнтаришигача суғориш тарихига оид Г. А. Арандаренко [6], Н.А.Маев [7], А.Ф.Миддендорф [8], К.К.Пален [9], В.В.Радлов ва П.М.Мелиоранский [10], С.Кондрашов [11], С.Понятовский [12], Н.П.Петровский [13], Массон, [14], Латинин [15], Толстов [16], Андрианов [17], Литвинский [18], Зеймаль [19] ва бошқаларнинг монография ва мақолаларида сувдан фойдаланиш амалиёти ва халқ суғориш техникалари муаммолари, суғорилиш тарихи: пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққиёти, тадрижий такомил тарихий-илмий йўналишда ёритилганлиги билан аҳамиятлидир.

Юқоридаги кўрсатилган муаллифлардан С.Понятовский, Н.П.Петровскийларнинг мақолаларда асосан сув йулларини казиш, суғориш усуллари, сувни тўғри тақсимлаш мақсадида маҳаллий сув ўлчовлари, улардан қандай фойдаланилганлиги тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, воҳа суғорма деҳқончилик тарихини тадқиқ этишда, айниқса, Октябрь тўнтаришидан сўнг чоп этилган тарихий, археологик, жуғрофий, ирригация фанларига оид ишлар “номенклатура терминлари”, “географик терминлар”, “маҳаллий терминлар”, “гидронимик терминлар”, “ер-сув отлари”, “аграр терминлар”, “ирригацая терминлари”, “қишлоқ хўжалик терминлар” ва шу каби номлар билан аталиб ўрганилган.

Айниқса, Ўрта Осиё йирик дарё хавзаларини археологик жиҳатдан кенг қўламда ўрганиш ва Ўрта Осиё халқларининг узоқ ўтмишдан қолган тарихий обидалари ва ёдгорликларини излаб топиб, илмий асосда уларни ҳар томонлама чуқур текшириш ишига 1930-1934 йилларда Б.А.Латинин, 1934-1939 йилларда А.Ю.Якубовский бошлиқ Зарафшон, 1936-1938 йилларда М.Е.Массон раҳбарлигидаги Термиз, 1937-1939 йиллар ва 1947-1954 йиллардаги В.А.Шишкин бошлиқ Варахша, 1937 йилдан бошланган С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм, 1950-1970 йилларда эса ўзбек тарихчиси ва археологи Я.Ф.Ғуломов бошчилигидаги Мохондарё экспедициялари катта ҳисса қўшишди.

Бу соҳада Д.Д.Букинич, Б.А.Андрианов, Г.Н.Лисицина, Н.Г.Минашина ва бошқаларнинг асар ва мақолаларида Мурғоб, Тажан, Илий ва бошқа водийларнинг суғорилиш тарихига оид қимматли маълумотлар келтирилади. Улар фактик ва тарихий манбаларни умумлаштириб, суғориш тарихига доир қимматли асарлар яратдилар. Бу асарлар билан бевосита танишиш шуни кўрсатадики, уларда Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик ва суғоришнинг келиб чиқиши жараёнининг аниқ манзарасини илмий тасвирлаб беришгандир [20]. Бу муаллифлар ўша давр кишилари билан ҳам суҳбатлар ўтказиб, суғоришнинг зарурлиги, сувдан қандай фойдаланганлиги тўғрисида ҳам бебаҳо манбалар ёзиб қолдиришган.

Рус тарихчилари ва археологлари билан бир қаторда рус жуғроф -сайёхлари ва ирригаторлари, этнографлари Туркистон ўлкасида суғорма деҳқончилик тарихи, унинг пайдо бўлиши, ер ва сувдан фойдаланиш бўйича ҳам кўплаб асарлар яратдилар. Бу йўналишда Н.Г.Маллицкий [21], Г.Н.Виноградов [22], А. Воейков [23], М.Громов ва А.Баранов [24], О.П.Патрушев [25], В.А.Полозов [26], Б.А.Поляков [27], М.В.Сазонова [28], Е.Е.Скорняков [29], В.А.Шульц ва Р.Машрапов [30], О.Д.Чехович ва А.Б.Вильданова [31], А.Б.Вильданова [32] каби олимларнинг асар ва мақолалари билан танишиш ва уларни ўрганиш шуни кўрсатдики, суғориш тарихини ўрганган олимларнинг ишларида бу соҳанинг ўзига хос тарихи ва кечмиши борлиги, бу соҳа тарихини ўрган олимларнинг ишларини тадқиқ этиш эса Ўзбекистон тарихшунослигида долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қайд қилинган ишларда суғориш усуллари, халқ урф-одатлари, оқар ва турғун сув йўлларини ифодаловчи атамалар, ер ва сувдан фойдаланиш тажрибалари, сув кайтаргичларнинг ўзбекона маҳаллий номлари, сепоя, тўғон, дарак, банд, қозок, пойгаларнинг ясашиши, қурилиши ва ўрнатилиши каби ишлар ирригацион, жуғрофий, этнографик жиҳатдан ёритиб берилган ва илмий таҳлил этилган. Шу билан биргаликда суғориш тарихига оид тушунчаларни англатувчи номлар ва терминларлар ҳам қўлланганки бу терминлар тарих даракчилари эканлигидан далолат беради. Ҳатто ўша даврларда О.Д.Чехович ташаббуси билан “Ўрта Осиё тарихий манбаларидаги терминологияни ўрганиш хусусида”[33] номли мурожаат ёки фикрсўров мақоласи “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналида чоп этилган.

Ушбу мақолада тарихий манбаларда учровчи тарих фанига доир терминларни чалкаш ишлатмаслик, ҳар бир терминни ўз маъно доирасида тўғри қўллаш масалалари кўтариб чиқилган, шу соҳага тегишли олимларнинг бу борадаги фикр мулоҳазаларини билдириш сўралган. Бу мақолада муаллиф суғориш тарихига доир ком, дарё, руд, жўй, сой, шохжўй, ўртажўй, афдоқ, фарқин, захоркаш, рош, ховуз, кўл, нова, тарнов, сардоба, сако, каби сўзларни ирригация терминлари деб ҳисоблайди. Бу мақоладан сўнг кўпгина олимлар ўз фикр-мулоҳазалари билан журнал саҳифаларида мақолалар чоп этишган. Ушбу мақола 68 йил муқаддам ёзилган бўлса ҳам, бугунги кунда жуда аҳамиятлидир. Чунки тарихий манбалардаги қадимий, ота-боболаримиз яратган сўзларни ўрганиш, уларни ўз маъносида қўллаш муҳим масалалардандир.

Воҳа суғорилиш тарихини ўрганган хорижий олимларнинг тадқиқотларини шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Воҳанинг суғорилиш тарихи бўйича қуйидаги археологларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ. Жумладан, С. Лунианинг “Древние города в долине Кашкадарьи” (1988 г.), С. Кабановнинг “В оазисах и степях Кеша и Нахшеба” (1988 г.) каби асарлари яратилди.

2. Хорижий шарқшунос ва тарихчилар В.В. Бартольднинг “История орошения Туркестана (1965), Туркистоннинг суғорилиш тарихи // “Ҳаёт ва иқтисод” журнали, 1991 йил №9, О.Д.Чехович “Бухарские документы XIV века” (1965); Н.И.Арандаренконинг “Заметки объ ирригационной в Зерафшанской долины. “Досуги в Туркестане” (1889) каби тадқиқотларинашр этилди.

3. Хорижий этнограф, ирригатор ва мелиораторлардан Б. В. Андриановнинг “Древние оросительные системы приаралья” (1969), Н.А. Маева “Река Зерафшань-реки Шахрисябзской долины” (1872), Л. В. Дунин-Барковскийнинг “Совместное использование водных ресурсов бассейнов рек Зеравшана и Кашкадарьи и подача воды из других источников” (1957), В.А. Полозовнинг “Узбекское общинное землепользование в Шерабадской долине и Каршинской степи” (1926) каби асарларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, иккинчи жаҳон уруши йилларида Москва ва Ленинграддан СССР Фанлар академияси қошидаги илмий тадқиқот институтларининг бир қисми Ўрта Осиё республикаларига эвакуация қилинган эди. Шу муносабат билан академиклардан Б.Д. Греков ва В.В. Струве, собиқ СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси К.В. Тревер ҳамда С.П. Толстов, А.Ю. Якубовский ва бошқалар Тошкентга кўчиб келди. Ўша йилларнинг оғир шароитига қарамадан улар республикамизда илм-фаннинг тараққиётига, айниқса, маҳаллий кадрлар тайёрлашишига улкан ҳисса қўшдилар [34].

Хорижий олимларнинг тадқиқотларида Қашқадарё воҳасининг табиий ва сунъий сув манбалари, бу ҳудуда суғорма дехқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари, Россия империяси мустамлакачилиги даврида Қашқадарё воҳасининг сув ҳўжалиги, давлатнинг ирригация масаласига муносабати, суғориш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар тарихи баён этилган ўринлар учрайди. Уларнинг ишларида Шўро давридаги аграр сиёсат, суғориш иншоотларини барпо этишда анъанавий ҳашар усули, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Қашқадарё воҳаси сув ҳўжалиги тарихини ёритиш, айниқса, Қарши

чўлини ўзлаштириш ва суғориш тарихини умумлаштириб хулосалар қилиш мақсад қилиб олинган.

4. Хулосалар:

Мақолада кўтарилган масала юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

-кузатишлар шуни кўрсатадики, Қашқадарё воҳасининг суғорилиш тарихи махсус тадқиқот объекти бўлмаганлигини кўрсатди;

- суғориш ва унга боғлиқ тарих ва жуғрофия, ирригация ва этнография фанларидаги хорижий муалифларининг илмий ишларини хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу олимлар Ўрта Осиё, қолаверса, Ўзбекистон халқлари тарихини, жумладан, суғорма деҳқончилик маданияти тарихини яратишда улкан хизматлар қилишган. Уларнинг бундай ноёб ва қимматли асарларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, ўзбек китобхонларига етказиш муҳим масалалардандир;

- суғормава лалмикордеҳқончилик – кўп тармоқли соҳа бўлиб, жаҳон халқларининг асосий ҳаёт тарзи ҳисобланганлиги, қишлоқ хўжалигида суғорма деҳқончилик халқнинг турмуши, ишлаб чиқариш маданиятини белгиловчи ва баҳоловчи мезонлардан бири эканлиги исботланди;

-ўрганиб чиқилган манбалар шундан гувоҳлик берадики, мавзу бўйича танланган Қашқадарё воҳасининг суғорилиш тарихи даврини ўрганган хорижий, рус ва бошқа олимларнинг ишларида хусусида айрим далиллар, фикрлар, хулосалар қилинган. Суғорма деҳқончилиكنинг баъзи бир жиҳатлари ёритилган. Бундай ишларни ўрганиш, умумлаштириш ва илмий хулосалар чиқариб воҳанинг суғорилиш тарихини ҳолисона ёритиш зарур масалалардан биридир;

Суғорма деҳқончилик тарихидан шу нарса маълумки, азалдан бу соҳа, хусусан, обикор деҳқончилик ўзбек халқи ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келган. Халқнинг кундалик турмуши ва фаолиятининг барча жабҳалари обикор деҳқончилик билан боғлиқ бўлган. Халқнинг турмуш даражаси, деҳқонларнинг қадимги ва ҳозирги яшаш манзиллари, экин майдонлари, сув ҳавзалари ва манбалари билан белгиланган.

Иқтибослар/ Сноски/ References

- [1] Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996.–4-том. –Б. 132. (I. A. Karimov. From the Path of Creativity. –Tashkent: Uzbekistan, 1996. Tome-4. p. 132.)
- [2] Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 29. (Mirziyoyev Sh. M. We well resolutely continue our road of national development and raise it to a new level. Tome-1 – Tashkent: Uzbekistan, 2017. p. 29)
- [3] Абдулхамидов А. “XIX-XX асрнинг бошларида Ўзбекистон тоғолди худудларини суғориш халқ амалиёти” (тарихий-этнографик тадқиқот) Тарих фан. докт. дисс. –Москва: 1983. –Б. 5-6. (A. Abdulhamidov. “The national practice of irrigation of the foothills of Uzbekistan at the beginning of XIX-XX centuries” (historical-ethnographic research) Doctor of historical sciences. –Moscow. 1983. p. 5-6.)
- [4] Бартольд В.В. Туркистоннинг суғорилиш тарихи. Таржимон Ёкуб Омон. Нашрга тайёрловчи Маҳкам Маҳмуд//“Ҳаёт ва иқтисод”, 1991. №9. –Б. 69.(Bartold V.V. The irrigational history of Turkestan. Translator: Yokub Omon. Prepared for publication by Mahkam Mahmud//“Life and economy”. 1999. №9.p.69.)
- [5] Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. –Москва: Наука, Т. III. 1965. –С. 116. (Bartold V.V A History of irrigation in Turkestan. –Moscow. Science, Т. III. 1965. p. 116.)
- [6] Арандаренко Г.А. Заметки объ ирригационной в Зерафшанской долины//досуге в Туркестан (1874-1889). –Санкт Петербург: Императорская Академия наук (тип).1889. – С.277-279. (G. A. Arandarenko. Notes on irrigation of Zarafshan Valley//the period in Turkestan (1874-1889). Saint Petersburg: Imp. Acad. Sciences. 1889.p. 277-279.)

- [7] Маева Н.А. Река Зарафшанъ-реки Шахрисябской долины//Русский Туркестан. Сборник изд. по поводу политехнической выставки, вып. 1. –Москва: 1872. –С.11. (Mayeva N.A. The river of Zarefshan – rivers of Shahrisabz Valley//Russian Turkestan. Digest on the exhibition of Polytechnics, issue. 1. –Moscow, 1872.p.11.)
- [8] Меддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. –Санктпетербург: тип. Имп. акад. наук, 1882. –С. 489. (Meddendorf A.F. Essays of Ferghana Valley. –Saint Petersburg: press. Imp. Acad. Sciences, 1882.- p. 489.)
- [9] Пален К.К. Орошение въ Туркестане. –Санктпетербург: изд. Имп. Акад. наук. 1910. –С.137. (Palen K.K. Irrigation in Turkestan. –Saint Petersburg: ed. Imp. Acad. sciences. 1910. p.137.)
- [10] Радлов В.В., Мелиоранский П.М. Средняя Зарафшанского долина ЗИРГО. – Санктпетербург: 1880. –С. 1-66. (Radlov V.V., Melioransky P.M. Middle Zarefshan Valley ZIRGO. –Saint Petersburg: 1880. p. 1-66.)
- [11] Кондрашев С. 12 правил водопользования//Туркестанское сельско-хозяйство. –Ташкент: 1911. №11. –С. 835-837. (Kondrashev S. 12 rules of water use//Turkestan agriculture. –T.: 1911. No. 11. p. 835-837.)
- [12] Понятовский С. Кяризы// Туркестанское сельско-хозяйство. 1908. №2. –С.119-123. (Poniatovski S. Kyarizy//Turkestan agriculture. 1908. No. 2. p.119-123.)
- [13] Петровский Н. Туземная единица объема воды и способы деления // Справочная книжка Самаркандской области. –Самарканд: 1897. вып 7. –С.190-205 (Petrovsky N. The indigenous unit of water volume and methods of division // Reference book of the Samarkand region. –Samarkand: 1897. Issue 7. p. 190-205.)
- [14] В.М. Массон В. М. История Древнего Востока. –Москва: Наука, 1988. –С. 283. (V.M. Masson V.M. History of the Ancient East. –Moscow: Nauka, 1988.p. 283.)
- [15] Латинин Б.А. Некоторые вопросы методики изучения истории ирригации Средней Азии. – Советская археология. №3. 1959. (Latinin B.A. Some questions of the methodology of studying the history of irrigation in Central Asia. – Soviet archeology. №3. 1959.)
- [16] Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – Москва: МГУ. 1948. –С.352. (Tolstov S.P. Ancient Khorezm. The experience of historical and archaeological research. –Moscow: Moscow State University. 1948. p.352.)
- [17] Андрианов Б. В. Древние оросительные системы Приаралья. –Москва: Наука. 1969. –С.254. (Andrianov B.V. Ancient irrigation systems of the Aral Sea region. –Moscow: Science. 1969. p. 254.)
- [18] Литвинский Б. А. Среднеазиатский центральный мавзолей. Проблемы генезиса//Этнография и археология Средней Азии//. Под ред. А.В. Виноградовой. –Москва: Наука, 1979. –С.65-70. (Litvinsky B.A. Central Asian centric mausoleum. Problems of Genesis//Ethnography and Archeology of Central Asia//Ed. A.V. Vinogradova –Moscow: Science, 1979. p.65-70.)
- [19] Зеймаль Т.И. Древние и средневековые каналы Вахшской долины. “Страны и народы Востока” –Москва: 1971. Вып. X. (Zeymal T.I. Ancient and medieval canals of the Vakhsh Valley. “Countries and Peoples of the East” –Moscow: 1971. Issue. X.)
- [20] Мухаммаджонов А. Куйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. –Тошкент: Фан, 1972. – Б.361. (Muhammadjonov A. History of irrigation of lower Zarefshan Valley. –Tashkent: Fan, 1972. p.361.)
- [21] Маллицкий Н.Г. О некоторых географических терминах, имеющих отношение к Средней Азии // Известия Всесоюзного географического общества. –Ленинград: 1945. Т. 77, вып.5. –С.276-287. (Mallitski N.G. About some geographical terms related to Central Asia//Bulletin of the All-Union Geographical Society. –Leningrad: 1945.V.77, no. 5. p. 276-287.)
- [22] Виноградов Г.Н. Ирригация в долины Кашкадарьи, - Труды САНИИРИ. –Ташкент: 1935. Вып. 29. –С.100. (Vinogradov G.N. Irrigation in the valleys of Kashkadarya, - Proceedings of SANIIRI. –Tashkent: 1935. Issue. 29. p. 100.)

- [23] Воеков А. Туркестан, его воды и орошение // “Вестник Европы” –Петроград: 1935. – С.434. (Voekov A. Turkestan, its water and irrigation // “Bulletin of Europe” –Petrograd: 1935. p.434.)
- [24] Громов В., Баранов В. Чигир как водоподъемная машина и как привод. –Ташкент: 1931, вып. 29. –С.7-9. (Gromov V., Baranov V. Chigir as a water-lifting machine and as a drive. –Tashkent: 1931, issue 29. p.7-9.)
- [25] Патрушев М.О. “Талтай” // “Вестник ирригации”. –Ташкент: 1924, №12. –С.192. (Patrushev M.O. “Taltai” // “Bulletin of Irrigation”. –Tashkent: 1924, No. 12. p.192.)
- [26] Полозов В.А. Узбекское общинное землепользование в Шерабадской долине и Каршинской степи. “Народное хозяйства Средней Азии. –Ташкент: 1926, №7. –С.69-75. (Polozov V.A. Uzbek land use in the Sherabad valley and Karshi steppe. “The national economy of Central Asia. –Tashkent: 1926, No. 7. p. 69-75.)
- [27] Поляков В.А. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. –Москва: изд. Московского университета. 1980. –С.165. (Polyakov V.A. Historical ethnography of Central Asia and Kazakhstan. –Moscow: ed. Moscow University. 1980. p.165.)
- [28] Сазонова М.В. Традиционные хозяйства узбеков Южного Хорезма. –Ленинград: Наука, 1978. –С. 96. (Sazonova M.V. Traditional farms of the Uzbek in South Khorezm. –Leningrad: Science, 1978. p.96.)
- [29] Скорняков Е.Е. Как поднимать воду для орошения сада и огорода –Москва: Новая деревня, 1922. –С. 86. (Skornyakov E.E. How to raise water for irrigation of a garden –Moscow: New Village, 1922. p.86.)
- [30] Шульц В.Л. Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1969. –С.323. (Schulz V.L. Mashrapov R. Central Asia hydrography. –Tashkent: Ukituvchi, 1969. p.323.)
- [31] Вильданова А.Б. Чехович О.Д. Общинном водо-землипользовании обозначаемом термином «пайкал» // “Народы Азии и Африки”. –Москва: 1965. №1. –С.110-112. (Vildanova A.B. Chekhovich O.D. Common water-land use denoted by the term “paykal” // “Peoples of Asia and Africa”. –Moscow: 1965. №1. p. 110-112.)
- [32] Вильданова А.Б. Бухарские ирригационные и канцелярские термины // Народы Азии и Африки –Москва: 1964. №5. –С. 103. (Vildanova A.B. Bukhara irrigation and stationery terms // Peoples of Asia and Africa –Moscow: 1964. №5. p. 103.)
- [33] Чехович О.Д. Об изучение терминологии исторических источников Средней Азии // Общественные науки в Узбекистане. –Ташкент: 1962, №6. –С 46-49. (Chekhovich O.D. About the study of the terminology of historical sources of Central Asia // Public Science in Uzbekistan. –Tashkent: 1962, No. 6. p. 46-59.)
- [34] Муҳаммаджонов А. Яҳё Ғуломов (Ўқувчиларга олимларимиз ҳақида) –Тошкент: Фан, 1986. –Б.37. (Muhammadjonov A. Yahyo Gulomov (To students about our scientists) –Tashkent: Fan, 1986. p.37.)

